Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

№46 (250)

2001-yil 28-noyabr— 4-dekabr

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

Har chorshanba kuni chop etiladi


**Конституция**

# ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

## Қомусимизда ИНСОН энг буюк қадрият сифатида улуғлангандир

***"Аввало, барчамиз бир ҳақиқатни англаб, тушуниб бормоқдамиз — бугун жамиятимизда қандай ютуқ ва марраларга эришаётган бўлсак, буларнинг пойдеворида Конституциямиз буюк Ҳаёт қомусимиз турибди"***

**И.КАРИМОВ**

**МАМЛАКАТИМИЗ** давлат мустақиллигига эришгач янги суверен давлат мақомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйиш муаммоси юзага келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатимиз ўзининг ривожланиш йўлини конституциявий асосда белгилаб олиши зарурлигини бир неча бор таъкидлаганди. "Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ", — деб ёзган эди Юртбошимиз ўзининг "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура" асарида.

Бизга янги мустақил давлатимизнинг хусусияти ички ва ташқи сиёсатининг асосий қоидалари, умуминсоний қадриятларга, инсон ҳуқуқларига, давлат мустақиллиги принципларига, демократия ва ижтимоий адолат идеалларига содиқлиги акс этган Конституция керак эди.

Янги Конституцияни ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақидаги ғоя илк бор республикамизнинг 1990 йил март ойида бўлиб ўтган ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашининг биринчи сессиясидаёқ айтилган эди.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1990 йил 20 июнда эълон қилинган Мустақиллик тўғрисидаги Декларациясида ушбу ҳужжат Республиканинг янги Конституциясини ишлаб чиқишга асос бўлиши таъкидланган эди. Ўша куниёқ Олий Кенгаш Ўзбекистон Президенти бошчилигида Конституциявий комиссия тузди.

**1991 ЙИЛ 31 АВГУСТДА** Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди ва "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги конституциявий қонун қабул қилинди. Унда белгиланган қоидалар амалиётда синовдан ўтди, сўнгра Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳасига киритилди. Ушбу қоидалар Ислом Каримов ифодалаб берган ғоя ва принципларни мустаҳкамларди. Конституция лойиҳаси ўзининг қисмлари билан ҳам, бутунлигича ҳам Ўзбекистон Президентининг улкан яратувчилик ва ислоҳотчилик фаолияти натижаси эканлигини кўрсатиб турарди.

Тақдир Ислом Каримов зиммасига жамиятни янгилаш, ўтиш даврининг мураккаб шароитида давлатимизни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий давлат-ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришнинг пишиб етилган муаммоларини ҳал қилиш каби тарихий вазифани юклади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда Президентимиз буюк давлат ва жамоат арбоби, истеъдодли сиёсий етакчи сифатида намоён бўлди.

Юртбошимиз икки ўзаро боғлиқ муаммони — Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини қарор топтириш ва унинг Конституциясини қабул қилиш муаммоларини муваффақиятли ҳал этди. Айни пайтда мазкур вазифалар бошқа ижтимоий муаммоларни ҳам мунтазам равишда ҳал қилиш билан баравар бажарилди. Давлат мустақиллигига эришилиши ва бунинг Конституцияда қонун йўли мустаҳкамланиши — оламшумул воқеа, Президент Ислом Каримов бошчилигида давлатчилик ва ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган улкан яратувчилик фаолиятнинг энг катта ютуғи бўлди. Юртбошимизнинг ҳар томонлама ҳисоб-китоб қилинган, мантиқий изчил, мукаммал стратегияси тараққийпарвар ўзгаришлар қилишга қаратилган.

**КОНСТИТУЦИЯ** лойиҳасини тайёрлаш борасидаги барча ишлар Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилди. Президент Конституциявий комиссия иш бошлаши билан мамлакатимизнинг ўзига хос жиҳатларини ва хусусиятини муносиб равишда акс эттирадиган, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, жаҳон тажрибасини, демократия ва энг ривожланган мамлакатлар конституциявий қонунчилиги эришган ютуқларни инобатга оладиган Асосий Қонун лойиҳасини тайёрлашга йўналтирилишини таъминлашга ҳаракат қилди. Лойиҳани тайёрлаш чоғида Европа, Америка, Осиё мамлакатларининг Конституциялари ўрганиб чиқилди, у Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқларига оид бошқа халқаро ҳужжатларни инобатга олган ҳолда тайёрланди.

Ислом Каримовнинг Конституцияда ўз аксини топган ғоялари унинг 1992 йил ёзида чоп этилган "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" асарида ифодалаб берилган. У шундай деб ёзган эди: "Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси янги жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Бу Асосий Қонун ҳар томонлама ва чуқур ўйланган умумхалқ муҳокамасидан кейин демократик йўл билан қабул қилинади. Умумий ғоясиз бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда мустаҳкам маънавий маконни яратиш мумкин эмас. Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қандай қилиб қуриш йўлларини очиб беради".Ушбу асар Ўзбекистон Конституциясининг лойиҳасини тайёрлашга асос бўлди.

1992 йил 8 сентябрда Конституциявий комиссия бажарилган ишни асосан маъқуллади ва Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилишга қарор қилди. Ушбу йиғилишда лойиҳани охирига етказиш ва таҳрир қилиш учун ишчи гуруҳ тузилди. 1992 йил 26 сентябрда Конституция лойиҳаси матбуотда эълон қилинди.

Асосий Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси жуда кенг тус олди. У 1992 йил сентябрь ойи охиридан декабрь бошларигача фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, ижодий кўтаринкилиги руҳида ўтди ҳамда Ўзбекистонда демократия ривожининг самарали ва амалий мактаби бўлди. Муҳокамада мамлакатимиз катта ёшдаги аҳолисининг деярли ҳаммаси иштирок этди. Матбуотда, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда қизғин баҳс-мунозаралар бўлди, кўплаб учрашувлар ўтказилди, Конституцияга доир масалалар бўйича баҳс-мунозаралар ташкил қилинди.

Лойиҳа эълон қилингач, Конституциявий комиссияга фикр-мулоҳазалар билдирилган 600 тага яқин хат келиб тушди. Республика матбуотининг ўзида Конституция лойиҳасига бағишланган юздан ортиқ материаллар эълон қилинди. Келиб тушган таклифларнинг сони 5 мингдан ошиб кетди. Конституция лойиҳаси ўтказилган муҳокамани инобатга олган ҳолда анча тузатилди, қайта ишланди ва 1992 йил 21 ноябрда муҳокамани давом эттириш учун газеталарда қайта чоп эттирилди.

Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасини аниқлаш, жуда бой материал тўплаш имконини берди. Ушбу материал чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқилди, умумлаштирилди ва халқнинг умумий иродаси шаклида ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси муҳокамасига киритилди.

Ислом Каримов сессияда Конституцияни "халқчил қомус" деб атаб, унинг лойиҳаси устида тахминан икки йил давомида ишланганини, икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтганлиги ва шу вақт мобайнида у халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилганлигини, сайқал топганлигини таъкидлади.

**РЕСПУБЛИКА** Олий Кенгашининг сессиясида муҳокама қилиш учун киритилган Конституция лойиҳасига 80 га яқин ўзгартишлар, қўшимчалар таклиф этилди ва аниқликлар киритилди. Уларнинг айримлари муҳим аҳамиятга эга эди. Парламент сессиясининг иши давомида депутатлар ҳам бир қатор ўзгартишлар киритдилар.

Конституцияни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш жараёни И.Каримовнинг "Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомуснома" бўлганлиги, у "халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини" акс эттириши, унинг "халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсули..." эканлиги ҳақидаги хулосасининг тўғрилиги ва асосланганлигини тасдиқлайди.

***(Давоми 2-бетда)***



*— Дўппи кийинг, йигитлар!*

**Сана**

# "ВАТАНПАРВАР" — 10 ЁШДА!

Ватанпарварнинг ёши, миллати, касби бўлмайди. Ўзини юрт фуқароси, фарзанди деб билган катта-кичик борки, ватан учун ўз куч-ғайрати, билими ва меҳнатини Ватан равнақи, тинчлиги йўлида сафарбар этиши мумкин. Шу жиҳатдан мамлакатимиз мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотига ҳаваси келади кишининг! Чунки халқимиз ўз табиатидан, ватанга бўлган муҳаббати туйғуларидан келиб чиқиб ҳам мазкур ташкилотнинг ё расмий, ё норасмий аъзоси ҳисобланади. Шунга қарамай, ташкилотнинг мамлакатимиз миқёсидаги нуфузи ва салмоғи йил сайин ортиб бормоқда. Ташкилотнинг шаҳар, туман кенгашлари, ўқув-спорт муассасалари жойларда иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишда фаоллик кўрсатмоқда. Айни вақтда ташкилот тизимида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 12 вилоят, 179 шаҳар, туман кенгаши фаолият кўрсатмоқда. 10 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлари сафида 3,5 миллиондан зиёд аъзоларни жипслаштирган.

Ташкилотнинг 10 йиллиги муносабати билан ўтказилган қурултойда ташкилот раиси полковник А.Абдуқаҳҳоров ҳисобот бериб, яна кўплаб рақамларни тилга олди, амалга оширилаётган ишлар ва олдинда турган вазифалар ҳақида батафсил сўз юритди. Маъруза юзасидан чиқишлар бўлди. Қурултой қатнашчилари ва меҳмонлари ташкилот раислигига қайта сайланган А.Абдуқаҳҳоровга ва катта жамоа аъзоларига ютуқлар тиладилар.

**Нилуфар ПИРМАТОВА**

**Жудолик**

# ЙИҒЛАМА, ҚИЗ... МУХЛИС

***"Ҳуррият" муштарийлари орасида ҳам мухлисларингиз сероб, бизда ҳам бир чиқиш қилайлик, — дедик яқинда тасодифан учрашиб қолиб. Бажонидил, фурсат топиб суҳбатлашамиз, — дея жавоб қилганди ҳофиз. Биз фурсат топгунча, кулфат уни юлиб кетди...***



Истеъдод эгаларининг кўплиги халқ учун нақадар бахт ҳисобланса, истеъдод соҳибининг ўзи учун... истеъдоднинг юки оғир. Уни кўтара билиш ижод машаққатидан ортиқроқ бардош талаб қилади... Чори Аваз, Равшан Файз, Лайло Алиева, Охунжон Мадалиев, Муҳаммад Ражаб, Муҳаммад Юсуф айни қирчиллама ёшида кўплаб мухлисларини доғда қолдириб кетди. Ажалга тик борувчи кучнинг ўзи йўқ, лекин... ўйлаб қоласан киши, алам қилади, бирон чора истайди кўнгил! Истеъдодларни авайлайлик, ҳой, истеъдод эгалари, ўзингизни асранг, дея уларнинг ҳар бирини ҳушёрликка ундагинг келади.

Муҳриддин Холиқов ҳам энди орамизда йўқ дейишга тил бормаяпти... Унинг концертларига тушолмаганлар, уни тўйига олиб келолмаганлар армонда қолди – минглаб мухлислари тилида ва эъзозидаги Муҳр вафот этди. "Ёнимда қол", "Асл ёр", "Йиғлама қиз", "Комила қиз"... "Паризод", "Нозанин"... "Гулойим", "Ташлама, ёр"... Муҳриддин том маънодаги лирик қўшиқчи эди. Майин ва дилбар товуши бор эди. Унинг мулойим товуши билан бақироқ ашулалар айтиб бўлмасди. Айтмади ҳам. Мухлисларининг қалбини назокат билан, булоқ сувидек тиниқ ва осуда оҳанглари билан забт этганди. Унинг йўлини тутган, тутаётган ёшлар оз эмасди. Шу йил хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлганди. Янги ижод поғоналарига кўтарилиш ниятида эди.

Надоматлар бўлсинки, Муҳриддин Холиқовнинг номига, санъатига ҳам "эди" қўшилди. Истеъдодларни асрайлик энди...

**"ҲУРРИЯТ"чилар**

**Афғонистон**

# АСКАРЛАР ҲАМ КЕЛДИ



АҚШнинг қуруқликдаги қўшинлари Қандаҳор яқинидаги аэропортга етиб келди. Ҳарбий денгиз флоти аскарлари эса вертолётларда олиб келинди. Уларнинг сафига эндиликда Араб денгизидаги АҚШ кемаларидан юзлаб аскар ҳам жалб қилинади. 2000 аскардан иборат бўлган умумий ҳарбий кучлар қуролланган машиналар билан таъминланиши кўзда тутилмоқда.

Пентагон расмийлари операциянинг аниқ стратегиясини изоҳламаган бўлса-да, мақсад толибонни шаҳарлардан сиқиб чиқариш, террористик гуруҳ аъзоларини излаш экани кўриниб турибди.

**Фаолият**

# БУЮКЛИК СОДДАЛИКДАН ТУҒИЛАДИ

***Сирдарёда "Миллий тикланиш" партиясининг фаолияти жонлангандан-жонланди. Партиянинг вилоят бўлими кенгашига Маматқул Бозорбоев раҳбарлик қила бошладию, тиниб-тинчиш, ҳаловот нима эканини билмайдиган бу самимий инсоннинг саъй-ҳаракати самара кўрсата бошлади.***

Ҳар куни уйдан чиқаётганимда онам ортимдан дуо қилиб қолади. Қорам кўринмай кетгунча алқайди. Онамнинг ҳамиша қувониб юришини, ҳеч нарсага зориқмаслигини, беармон яшашини хоҳлайман.

Нима учун онам ҳақида сўз бошладим? Чунки Ватаним ҳақида гапирмоқчиман. Мунисим онамни бағрида яйратган, бизни қучоғида улғайтган, келажакни қўйнида аллалаётган Ватан ҳақида сўз кетса онадан ўзгаси кўз ўнгингга келмас.

Ҳар куни онам дуоларини қанот қилиб эл хизматига отланаман. Турфа одамларга дуч келаман. Одамлар орасида бўлиш, уларнинг юрак уриши, нафас олишигача — ҳар куни шуларни сезишга интиламан.

Рости, "Миллий тикланиш"да иш бошлаганимга кўп бўлгани йўқ. Бироқ ўтган фурсатни оз ҳам деёлмайман. Шу давр ичида жуда кўп нарсани англадим. Иш бошлаган кунларим кўпчилик дўстларимнинг "Қўлингдан иш келади, бўш келма", деган сўзлари ўнг қулоғимда қолса, ағёрларнинг "Тиббиёт ходими нима иш қиларди, яна ёш, тажрибасиз" каби ишончсиз луқмалари чап қулоғимда қотди. Юрагимнинг тўрида эса "Менинг энг катта ишончим ёш авлоддир. Замонавий билимга эга, одобли, илмли, кўрсанг ҳавасинг келадиган баркамол ва шижоатли ёшларимиздир. Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирини ҳам ана шуларнинг қиёфасида кўраман. Киши ана шундай ёшларимиз борлигидан куч олади, онги тиниқлашади, рағбатланади, кўкси тоғдек кўтарилади", деган Юртбошимизнинг ушбу сўзлари муқаддас битикдек жой олди. Бу сўзлар қаддимни яна-да тиклади. Ғайратим ортиб ишлагим, югуриб-елгим келарди. Ҳозиргача ўзимда сарфлаб тугатиб бўлмас кучни ҳис этаман.

Партиямизнинг вилоят кенгаши раҳбари сифатидаги фаолиятимга келсак, тиббиёт ходими эканлигим роса қўл келди. Шўролар даврининг бўғиқ ҳавосидан ҳамон ўпкасини тозалолмай қийналаётганларга ҳурриятнинг тоза ҳавосини англатдик. Томирларда қотган боқимандалик, лоқайдлик, ўзликни унутиш сингари эскирган қон миллий қадриятларимизни тиклаш, Ватан тақдири, халқ, миллат маънавиятига масъуллик ҳиссини уйғотиш каби янгиси билан алмашди. Тоза қон билан ишлайдиган юрак фаолияти эса ўзингизга маълум.

Иш бошлаганимнинг дастлабки кунлари туманларнинг бирида "Миллий тикланиш" партияси ҳақида сўз кетди.



Гапнинг очиғи, "миллий" сўзини эшитиб айрим содда одамларда ҳадиксираш пайдо бўлди. Ахир "миллатчи" деган тамға билан вужудлари тугул, тилларини ҳам куйдирганлар оз бўлганми?! Не зиёли инсонларнинг умри хазон этилганлигини ким унута олади!

"Миллий тикланиш" демократик партияси айнан зиёлиларни бирлаштиришини айтдим. Касб-коридан қатъи назар, зиёли инсонлар партияси эканини тушунтирдим. Мустақиллигимиз ҳосиласи — Миллий Университет, Миллий театр, миллий боғлар, миллий байрамларимизни санадим. Ишонасизми, қисқа фурсатда "Миллий тикланиш" атрофида жипслашиш юз бера бошлади. Бугун уларнинг бир гуруҳи тадбиркорлар, бошқа гуруҳи талабалар, яна бошқалари маънавият-маърифат жарчилари. Улар жуда кўпчилик, улар узилмас ҳалқа. Улар билан ишлаш қизиқарли.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси Иброҳим Ғафуров, фракция аъзолари атоқли адибимиз Ўткир Ҳошимов, ардоқли шоираларимиз Ойдин Ҳожиева, Шарифа Салимова билан вилоятимизда бўлиб ўтган қатор учрашувлар партиямизга хайрихоҳлар сафини ўстирди.

Қишлоқларда, оддий одамлар орасида кўп бўламиз. Бир нарсадан қувонаман. Ватаним деб ёниб яшаётганлар жуда кўп. Ватанга ёрқин келажак тилаган дуогўйларимиз кўп. Ёшларимиз, тенгдошларимиз Ватан тақдири, халқ, миллат маънавиятига бефарқ эмас. Огоҳлик, ҳушёрлик юрак зарбамизга айланган.

Мўлжаллаган ишларим унум олса, оқшом қониқиш ҳисси билан уйга қайтаман. Онам дуосини тинглашдан умидворман. Онам-ку айланади-ўргилади, алқайди, сен-чи, сени рози эта оларманми, Ватан?..

Кўйлагининг узун енгларини ҳилпиратиб онам ҳовлида куймаланади. Унча олис бўлмаган суҳбат ёдимга тушади. Президентимиз телевизорда оналарининг узун енгли кўйлак кийиши, ҳақиқий миллий қиёфалари ҳақида гапирганди. Шунда онам суюниб кетиб: "Қара-я, Юртбошимизнинг оналари ҳам соддагина оддий аёл бўлган эканлар", — дегандилар қайта-қайта.

Ўшанда бир донишманднинг "Буюклик соддаликдан туғилади" деган ҳикматини эслагандим. Шу ҳикмат тилимдан тушмайди. Содда она халқинг бор экан, Ватан, тоабад буюклик тожи сеникидир.

**Маматқул БОЗОРБОЕВ,**
**ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси**

**ҚЎНҒИРОҚ**

**Мурманск шаҳрида истиқомат қилувчи Шаҳлохон ЖАЛОЛОВА:**

**— Биз томонларда қорнинг қалинлиги 1,5 метрга етди, "Ҳуррият" обунаси учун 1,5 минг рубль кетди.**

**Савод**

# Қобул ЭМАС, КОБУЛ!

Қўшни Афғонистондаги аҳвол бирмунча изга тушиб қолган бўлса-да, у ердаги воқеа-ҳодисалар яна анчагача дунё ҳамжамиятининг диққат-эътиборини жалб этиши аниқ. Мана шундай пайтда, яъни Афғонистон мавзуси ҳар куни, ҳар соатда матбуот ва матбуотчиларнинг оғзидан тушмаётган бир паллада баъзан ЎзТВ, баъзан радио орқали қулоққа чалинадиган иборалар, атамалар тингловчининг ғашини келтираётганини айтиб қўйишга ҳам тўғри келади-да! Афғонистоннинг пойтахти Кобулни "Қобул", "Қобил" тарзида талаффуз этишади, Қандаҳорни "Кандахор" деб, ҳатто мамлакатни "Авғонистон" деб пала-партиш аташ нотўғри эканига эътибор беришмайди. Оддий фуқаронинг бундай "тили"га чидаш мумкиндир амаллаб, лекин шарҳловчи ёки диктор дўстларимизга ярашмайди-да, бу каби бепарволиклар. Назаримда, Республика Атамақўми вақти-вақти билан мана шундай қусурларга матбуот орқали тузатиш киритиб, ҳушёрликка чақириб турса чакки бўлмасди.

**ТОМОШАБИН**

***Девор — қулоғи бемор!***

**Обуна—2002**

**Қайноқ чой оғизни куйдиради, лекин баданни яйратади. "Ҳуррият" сўзи ҳам тикандек ботади, лекин бадан, шуур роҳатланади. Ҳур сўз, ҳур фикрга ташнамисиз? Марҳамат, 2002 йилда ҳам "Ҳуррият"ни ўқинг. Тошкентдан Нукусгача — ками 5000, тепаси 10000 га етмайди: нари борса, 4 кило гўштнинг пули! Оқибат эса арзимас сўмлар билан ўлчанмайди.**



**Индекс:**
**Якка обуначилар учун — 233,**
**Ташкилотлар учун — 235**

Умидворлик

# БОРМАГАН ЖОЙИМ ҚОЛМАДИ

Ҳурматли таҳририят! Ёшим элликдан ўтганда биринчи марта газетага ёрдам сўраб мурожаат этишим. Бундай иш қиламан деб умримда хаёлимга келтирмаган эдим, афсуски, ҳуқуқимнинг поймол этилиши мени шунга мажбур этди.

Муддаога кўчай: 1999 йил 7 октябрда Охангарон шаҳридаги АЁҚШ бошлиғи лавозимидан мени ғайриқонуний равишда бўшатишди. Ваҳоланки, ўша кунлари мен беморлигим туфайли ишга чиқмаётган, яъни касаллик варақасида эдим. Қайси гуноҳларим учун дерсиз? Мени ишдан ҳайдаш ҳақидаги буйруқда "меҳнат мажбуриятини систематик равишда бузгани учун" деб ёзишибди. Қайси систематик интизомсизлигим учун деган саволга эса жавоб йўқ. Ахир мен шу вақтгача бирон марта огоҳлантирилган бўлмасам(бир марта берилган огоҳлантириш асоссиз эканлиги учун бекор қилинган эди), бирор марта ҳайфсан ё бошқа танбеҳ эшитган бўлмасам?! Бунинг устига вазиятнинг кулгили жойи шундаки, ишдан ҳайдалишим арафасида ҳукумат қарори асосида ташкил этилган нуфузли аттестация комиссияси суҳбатидан муваффақиятли ўтган, комиссия аъзолари менинг ўзимдан ва фаолиятимдан тўла қониқиш ҳосил қилганди. Тўғриси, аттестация комиссияси хулосаси менинг кўнглимни кўтарди, меҳнатга янада астойдил киришиб ишлашга даъват этди. Ахир бошқа раҳбарлик вазифаларида ишлаб, ўзим учун мутлақо янги бўлган соҳада ишлаётган мендек одам учун бу, катта далда эди. Бироқ бирдан Кучлук нефть базаси томонидан устма-уст текшир-текшир бошланиб кетса денг! Текширувчиларнинг нияти холис эмаслиги шундоққина кўриниб турарди. Бир текшириш бизнинг АЁҚШдаги ўт ўчириш тахтасида болта йўқлигини "топди", иккинчи текширувчи ўша тахтада супурги йўқлигини "аниқлади", учинчи текшириш якунида мен хизмат чоғида кўкрак нишонини тақмаганимни "кашф" этди. Ёнилғини ўғирлаш, ўзлаштириш, маблағ билан боғлиқ қонун бузилишларига дахлдор хатолар ҳам изланишди, уларнинг бахтига қарши бу борада ҳеч бир айб топишолмади. Бу орада мен раҳбарлик қилаётган АЁҚШни ғалвирдан ўтказаётган адолатпеша нефть база раҳбариятининг ўзида ола-тасир бошланиб кетди-ю! Кимдир қочган, кимдир қамалган, яна бири "тўсатдан" жони узилган...

Хуллас денг, мен ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайман, мени асоссиз равишда ишдан ҳайдалишим алам қилди. Қадрим поймол этилди. Бормаган идорам қолмади, кўмак сўрамаган раҳбар қолмади. Қаерга мурожаат қилмай, илтимосу шикоятларим текшириш учун "Ўзнефтгаз" миллий холдинг компаниясига... мени ишдан ҳайдаган ташкилот ихтиёрига юборилаверди. У ерда масалага холисона ойдинлик киритишга бирон кимса қўлини ҳам қимирлатмади.

Хўш, энди мен нима қилишим керак? Қаёққа борай? Ким мени ҳимоя қилади? Поймол этилган фуқаро ҳуқуқини ким муҳофазасига олади?

Тушунаман, газетада босилгани билан қайсидир мутасадди идора адолат ўрнатишга киришиб кетишидан унчалик умидим йўқ. Шундай бўлса-да, ... иложсизлик, ҳақсизлик мени газетага ёзишга ундади.

**Даврон УМАРОВ**

*Тошкент*

***ТАҲРИРИЯТДАН:***

***Хат муаллифининг алам аралаш битилган хатида баён этилишича, у киши ўз эгаллаб турган вазифасидан ноҳақ ҳайдалган. Ҳатто у вазифасига тикланишидан умид қилаётгани ҳам йўқ. Лекин инсоннинг қадри-чи? Ҳуқуқи-чи?***

***Гап ана шунда! Мавжуд қонуннинг биттагина моддасининг асоссиз бузилиши бир инсон тақдирини синдириб қўйиши ҳеч гап эмас. Шикоят эгасининг қонуний ҳуқуқини суд орқали тиклашга уриниш имкони бор албатта, лекин "Ўзнефтгаз" миллий холдинг компанияси раҳбарлари ўзларининг тизимидаги бир ходимнинг мушкулини осон қилишга наҳотки фурсат, қунт ва адолатли муносабат кўрсата олмаса?..***

Обуна — 2002

# "ҲИДОЯТ"га ОШИҚИНГ!

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-ижтимоий, илмий-адабий нашри бўлмиш "Ҳидоят" журнали илк сонлариданоқ диний қадриятларимиз, маънавий меросимизга таяниб, халқимизнинг саводхонлигини янада оширишга ва исломнинг асл моҳиятини тушунтириб-ўргатиб боришга катта аҳамият бермоқда.

Журналнинг навбатдаги 8-сонидан Эркин Маликнинг "Кутилган ташвиш", Жаъфар Холмўминовнинг "Тавҳидий тафаккур куйчиси", Улуғбек Расуловнинг "Ҳар он юртни соғиндим" каби мақолалари ўрин олган. "Олисларга саёҳат" рукнида Иордания Ҳошимийлар мамлакати ҳақида ҳикоя қилинади.

Журналнинг 9-сони хайру баракот ойи Рамазонга бағишланган. Унда Уста Олимнинг "Рўза ояти", Фарруҳ Бўтаевнинг "Янги бир олам" каби мақолалари берилган. Уларда рўзанинг улуғлиги ва манфаатларининг бекиёслиги баён этилган Қуръони карим оятлари маъноси акс этган. Баҳодир Нурмуҳаммад "Сиз нега рўза тутасиз?", "Илк бор рўза тутганингизни қандай эслайсиз?" мазмунидаги саволлар асосида юртдошларимизнинг фикрларини ўрганиб, улардан баъзиларини муштарийлар эътиборига ҳавола қилган.







"Имомларимиз ижодидан" рукнида Анвар Турсуннинг шеърларидан намуналар келтирилган. Севимли ёзувчимиз Тоҳир Малик кўп йиллар давомида ён дафтарчаларига тушган қайдларини тўплаб, бир китобча ҳолига келтирибдилар. Журналда берилаётган мазкур китобдан намуналарни "Шудринг томчилари" дея номлашган.

Шунингдек, муаллифнинг япон шеъриятига тақлидан ёзилган айрим шеърий машқларидан намуналарни ўқишингиз мумкин.

Бир сўз билан айтганда, журнал муштарийларнинг маънавий ҳамроҳига айланади.

Мана, 2001 йил ҳам охирлаб қолди. Обуна мавсуми қизғин давом этмоқда. Журналнинг янги сонларида ислом тарихи ва аҳкомлари ҳақида маълумотлар, Аллоҳнинг мўъжиза китоби — Қуръони каримдан оятлар, ибратли ривоятлар, пайғамбарлар, хусусан, Муҳаммад алайҳиссалом, шунингдек, саҳобалар ва азиз авлиёларнинг ҳаётлари ҳақида ибратли ҳикоялар бериб бориш мўлжалланмоқда. Шунингдек, сизни қийнаб турган ижтимоий-маиший, оилавий жумбоқларга "Сўранг, жавоб берамиз" рукнида берилаётган жавобларни ҳам "Ҳидоят" саҳифаларидан топасиз, иншааллоҳ.

**"Ҳидоят" журналига 2002 йил учун обуна бўлишни унутманг. Обунани барча алоқа бўлимларида ёки ён-атрофингиздаги масжидларда расмийлаштиришингиз мумкин. Нашр кўрсаткичи — 1034.**

**Шаҳноза ҒОИПОВА**

Умрингизга барака!

# ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛИСТИКА

## Ҳусниддин Нурмуҳамедовга табрик баҳонасида

"Гулистон"нинг энг довруғи таралган кезлардаги журналнинг масъул котиби Ваҳоб Рўзиматов номи билан боғлиқ ибратли (ҳатто кулгили) воқеалар ҳали-ҳануз ижодкорлар орасида оғиздан-оғизга ўтиб юради. Ўша пайтларда машҳурликда, саводли, маърифатли ва ўқишли чиқишда "Гулистон"га фақат "Фан ва турмуш" бас келарди. Журналларнинг умумий савиясини қўя турайлик, жой номларини, тарихий шахслар исм-шарифларини тўғри ёзиш, факт-рақамларнинг аниқлиги, ҳатто сўзларнинг имло жиҳатидан тўғрилиги маъносида ҳам мазкур икки журнал мезон вазифасини ўтарди. "Фан ва турмуш"нинг Ваҳоб акаси Анвар Муҳаммадкулов эди. Афсуски, бу фидойи журналист ҳаётдан эрта кўз юмди ва заҳматкашлик анъанасини садоқатли шогирди Ҳусниддин Нурмуҳамедовга қолдирди.

Таҳририят жамоаси ҳақида сўз борганида бир кишини ажратиб кўрсатиш ноқулай албатта, аммо-лекин ҳар ким ҳам юкнинг оғирини зиммага олавермайди. "Фан ва турмуш"да ҳар бир ижодий ходим столи устида имло луғати турарди, ҳар хонада қомус, справочник, ихтисослашган луғатлардан фойдаланиларди. Айниқса, академик, профессорлардан мақола ундиришдек машаққатли вазифа ҳам таҳририят ходимлари зиммасида эди. Буни қаранг, кимдандир зарур мавзуда мақола ундириш ҳам журналистдан маҳорат талаб қиларди. "Фан ва турмуш"да эса бу борада анчагина тажриба орттирилганди.

Анвар Муҳаммадкулов, Комил Холмуҳамедов, Ҳусниддин Нурмуҳамедовнинг мақола ундириш санъати шаклланган эди. Бировни – ака, бировни – ука деганларидек, қабилида қизиқарли ва ўқишли мақола ундириш таҳририят учун байрамга айланарди. Битта мақолани нашрга тайёрлагунга қадар беш-олтита илмий китобу мақолаларни хатм қилишга тўғри келарди, токи таҳрир ишончли чиқсин, таҳририңгиз муаллифга ҳам, журналхонга ҳам маъқул келсин! Мақола журнал юзини кўргунга қадар камида уч-тўрт қайта таҳрирда сайқал топишини ҳозир ёш ҳамкасбларга айтсак унчалик ишонишмайди. Хусусан, таржима мақолаларни Ҳусниддин ака қаттиқ чиғириқдан ўтказарди, таржима матнини асл нусхага солиштириб, биронта жумлани эътибордан қочирмай таҳрир этиш борасида, яъни аниқ таржимага эришишда Ҳусниддин аканинг қунти, талабчанлиги ва сабр-тоқатига ҳавасимиз келарди.

Журналнинг бурунги йиллар тахламлари мундарижасини ёдда сақлашда Ҳусниддин аканинг олдига тушадиган ходим йўқ эди. Ким қайси мавзуни қандай эплай олади, қайси жумла қайси ходимга "қарашли" эканини бир назар ташлашда биладиган масъул котибни чалғитиш қийин эди. Иброҳим Назирий, Илҳом Орипов, Софья Одилова, Рустам Обид, Оқилхон Одилхонов, Маҳфуза Асадуллаева, Саид Мурод... Таҳририят жамоаси мана шундай талабчанликка, қора меҳнат заҳматига бардош берадиган журналистлардан ташкил топган, умуман айни шу маънода "Фан ва турмуш"нинг журналистига айланиш ҳар кимга ҳам насиб этавермасди.

Журналист кўп бўлиши мумкин, лекин илм-фанни оммалаштира оладиган журналист анқонинг уруғи эди. Бу муаммо чуқурлашса чуқурлашаяптики, ҳануз ечимини топмаяпти. Умуман, "Фан ва турмуш" журнали тажрибасида илмий-оммабоп мақолалар ёзувчи журналист кадрлар етиштириш муаммолари ўрганилса зарур ва фойдали хулосалар чиқарилган бўлур эди. Ахир журналистларнинг ихтисослашуви, саводли ва маҳоратли журналистнинг камёблиги жуда-жуда сезилиб қолмоқда!



Ҳусниддин ака собиқ ТошДунинг география факультетини битирган, лекин тақдир уни журналистга айлантирди. Салкам 40 йилдирки, у киши "Фан ва турмуш"да! Тарих фанлари номзоди, катта оиланинг меҳрибон отаси, маҳалла фаоли, кўплаб ёш журналистларнинг талабчан ва меҳрибон Устози!

Ҳусниддин ака айни истиқлол йилларида ғайрат билан меҳнат қилди, "Фан ва турмуш" журналининг машҳурлигини, унинг кўпминг сонли муштарийлари олдидаги нуфузини сақлаб қолиш йўлида тиним билмаяпти. Бурунги йили Ҳусниддин Нурмуҳамедовнинг меҳнатлари "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланганини нафақат у кишининг, нафақат журнал таҳририятининг, айни вақтда илм-фан янгиликлари ва ютуқларини оммалаштирувчи, демак, ҳаётини мамлакатда илмий-интеллектуал тафаккур тараққиёти учун хизмат этишга бахшида этган ўзбек журналистларининг байрамига айланди.

Йиллар ўтаверади, Устоз журналист 60 ёшни нишонлаяптилар. Шу қутлуғ ва саховатли кунларда Ҳусниддин акани муборакбод этамиз, у кишига, оила аъзоларига фақат ва фақат энг эзгу тилакларимизни изҳор этамиз.

**"ҲУРРИЯТ"чилар**

Танлов

# "ЁШ ОНАЛАР" НАЗОКАТИ

Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси ва "ЭКОСАН" Халқаро жамғармаси Республика миқёсида "Ёш оналар" кўрик-танловини ўтказишга келишиб олиб, ҳамкорликда унинг низоми, мазмун ва мақсадлари ишлаб чиқилди.

Ўтган ҳафта Миллий Академик драма театрида танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 нафар ёш она ўзаро беллашди.

Танлов махсус ишлаб чиқилган сценарий бўйича ўтказилди. Унда аёллар оилада санитар-гигиеник меъёрларга амал қилиш ва соғлом оилавий муҳит яратишда ёш онанинг ўрни, фарзанд тарбияси, бола онгида экологик дунёқарашни шакллантириш, оила бюджетини яратиб, ундан унумли фойдаланиш мавзуларида баҳслашишди.

"Ёш оналар" кўрик-танловини ўтказишдан мақсад — оилада соғлом бола туғилишига эътибор бериш, гўдак парвариши, онанинг ҳуқуқини жамоатчилик ва давлат идораларида, умуман, ижтимоий ҳаётнинг исталган жабҳасида ҳимоя қилиш, уларнинг экологик манфаатларини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, наслни соф сақлаш, жисмонан бақувват, ақлан мукаммал фарзандни камол топтириш, атроф-муҳитни озода сақлаш, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни болалар онгига сингдириш каби эзгу ниятларни аёлларимиз ўртасида оммалаштиришга қаратилган.

Самарқандлик Санобар Маматқулова: "Саҳнада аёлнинг — онанинг оиладаги ролини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдим", деса, Тошкент шаҳри ғолибаси Шоҳина Иброҳимова танловнинг аҳамияти ҳақида шундай дейди: "Умуман, болага экологик тарбия бериш, онанинг оила ва жамиятдаги ўрнини яратишга ҳаракат қилинар экан, бу эртага бошқа барча оналарга таъсир этмай қўймайди. Негаки, жамият ва давлатнинг ривожида аввало она катта роль ўйнайди. Она қанча билимдон ва эътиборли бўлса, жамият шунча гуллаб-яшнайди".

Шу куни театр фойесида болалар ва катталар учун китоблар, маиший жиҳозлар, кийим-кечаклар кўргазма-савдоси, замонавий кийимлар намойиши ва концерт дастури ташкил қилинди.

Танловда Сирдарё вилояти вакиласи Нодира Шербекова биринчи, Наманган вилоятидан келган Дилфуза Асанбоева иккинчи, тошкентлик Шоҳина Иброҳимова учинчи ўринни қўлга киритишди. Уларга Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг "Фахрий ёрлиқ"лари, "ЭКОСАН" халқаро жамғармасининг дипломлари ва ташкилий қўмитанинг эсдалик совғалари берилди, шунингдек, қолган иштирокчиларга ҳам номинация бўйича совғалар топширилди.

**Зуҳра ҲАМДАМОВА**



Самарқандлик уста Абдусалом ... ижод устида

Олимжон НАБИЕВ фотоси

Конституция

# ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

## Қомусимизда ИНСОН энг буюк қадрият сифатида улуғлангандир

Ўзбекистон Конституциясини тайёрлашда Президентнинг катта хизматлари ҳақида Н.Мишин шундай ёзади: "Каримов Асосий Қонунда инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдида чуқур масъулиятни ҳис этиш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибаларига таяниш, демократия ва қонунийликка ҳурмат, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларини тан олиш, Ўзбекистоннинг муносиб ҳаётини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий давлат яратиш ва ниҳоят, мустаҳкам фуқаровий тинчлик ҳамда миллий келишувни таъминлаш каби эзгу ниятларни мужассамлаштиришга ҳаракат қилди".

**МАМЛАКАТИМИЗ** кўп миллатли аҳолисининг хоҳиш-иродаси мустақил Ўзбекистоннинг биринчиси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. Асосий Қонун Ўзбекистон халқининг руҳини, ижтимоий онгини ва маданиятини акс эттирган. Бизнинг Конституциямиз умуминсоний қадриятлар ва халқаро ҳуқуқнинг устунлиги тарафдоридир. Шунинг учун бизнинг истиқлол ва тараққиёт йўлимиз Конституцияга асосланади.

Конституцияда ижтимоий йўналишдаги барқарор бозор иқтисодиёти, очиқ ташқи сиёсатга асосланган инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини яратиш мақсадлари қўйилган. Фақат замондошларимизнинг эмас, балки биздан кейин ўзбек заминида яшайдиган келгуси авлодларнинг ҳам тақдири биз қандай жамият ва давлат қуришимизга боғлиқ.

Бизнинг бош мақсадимиз — асоси меҳнатсевар ва фаровон, ахлоқан мустаҳкам ва маданиятли оила бўлган демократия ва ижтимоий адолат жамиятини қадам-бақадам яратишдир.

Ўзбекистонда конституциявий қурилишнинг асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз асарлари, чиқишларида ифодалаб берган беш асосий принцип ташкил қилади. Бу асос бўлувчи ғоялар ва қоидалар Ўзбекистон тараққиёти ва миллий мафкурасининг тамал тошларидир.

"Дарҳақиқат, — деб ёзади Ўрта Осиё бўйича таниқли мутахассис профессор Л.Левитин, — Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида ҳозирги замон жамиятларига уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ташкил этилиши нуқтаи назаридан зарур бўлган деярли барча нарса мавжуд. Шахснинг мустақиллиги, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, мулкдорлик шаклларининг хилма-хиллиги, мафкуравий ранг-баранглик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий плюрализм, бошқариладиганларнинг розилигига асосланган ҳукумат сингари ва кўплаб бошқа демократик қадриятлар конституциявий тузумнинг принциплари сифатида тасдиқланади. Узоқ йиллар давомида тоталитар-мустабид тартиботнинг хомхаёл-демократик ниқоби бўлиб келган турли кўринишдаги "шўрочиликлар" барҳам топтирилган".

Ўзбекистоннинг 1992 йилги Конституцияси ўзбек жамияти ва давлатининг барча энг муҳим соҳаларини тартибга солади, қисқалиги ва аниқ ифодаланганлиги, шунигдек, ўзига хос тузилиши билан ажралиб туради.

У дунёдаги энг мақбул тузилишга эга конституциялардан биридир.

**1992 ЙИЛГИ** Конституция мустақил Ўзбекистоннинг "ташриф қоғози"га айланди. У дунё сиёсий харитасида янги демократик давлат — Ўзбекистон Республикасининг мавжудлигини акс эттирмоқда. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президенти айтганидек, "Ҳеч бир давлат ўзининг Асосий Қонунида давлат ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамламасдан туриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмайди".

Ўзбекистоннинг Конституцияси ўз юридик тарихининг кўп асрлик анъаналарини ва жаҳон конституциявий тажрибасининг принципларини ўзида мужассамлаштирган. Агар янги ўзбек Конституциясини жаҳон конституциявий ривожи билан алоқада олиб қарасак, шуни айтиш мумкинки, у дунёда XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ичида қабул қилинган янги, "учинчи" авлод конституциялари қаторига киради.

"Ҳур Ўзбекистонимизнинг тарихида биринчи Конституцияни қабул қилиш — жумҳуриятимизнинг янгидан туғилишидир, ҳақиқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришидир", деб ёзган эди Президентимиз "Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби" рисоласида.

Конституцияда мустаҳкамланган қоидаларни демократиянинг аниқ "тарозиси"да ўлчаб, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, у — жаҳондаги энг демократик конституциялардан бири.

Табиийки, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, онги ва маданиятини акс эттиради. Конституция халқнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир.

Конституцияга амал қилиб яшовчи фуқароларнинг аҳиллиги, халқимизга хос одамийлик, умуминсоний қадриятларга ихлос каби азалий сифатлар ўз аксини топган. Юртимизга хос қардошлик ва дўстлик анъаналари, ўзининг бой ва теран тарихига эга бўлмиш халқларнинг ўзаро тотувлиги ва қўшничилиги принциплари ҳам Конституцияда муҳим ўрин тутади.

Конституциямизнинг ижобий жиҳатлари, янги томонлари, аввалги Конституциялардан фарқлари нималардан иборат? Авваламбор, бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикр илгари сурилган ва шу асосда "фуқаро — жамият — давлат" ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечими топилган.

Конституция инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий жамият барпо этиш ва, ниҳоят фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни кафолатлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлайди.

**КОНСТИТУЦИЯ** сиёсий партияларнинг ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади, уларга ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий эркинлик яратиб берган. Айни вақтда Конституция яккаҳокимликка интилишларга ва бир мафкура имтиёзли бўлиб қолишига йўл қўймайди. Зеро, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига раҳна соладиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, уруш ва зўравонликни тарғиб қилувчи, конституциявий тузумга, халқнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларига ҳамда маънавиятига тажовуз қиладиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқари бўлиши лозим.

Конституцияда ҳурфикрлилик, виждон ва диний эътиқод эркинлиги масалаларига катта эътибор берилган. Диннинг халқимиз маънавиятига, руҳиятига ўтказаётган ҳаётбахш таъсири катта. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига ва динга амал қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга.

Конституциямиз энг илғор ғояларни ўзида жо этганини, унинг энг демократик анъаналар асосида яратилганини бугунги кунда бутун жаҳон тан олмоқда. Бунинг сабаби нимада?

Биринчидан, бизнинг Конституция ҳақиқатдан ҳам демократик Конституциядир. Тарихда синалган умумбашарий ҳуқуқий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир.

Иккинчидан, бизнинг Конституция энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган, у дунё миқёсида ҳам ҳар қандай илғор давлат Конституцияси билан бемалол куч синашмоқда.

Учинчидан, Конституция, умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар, Хўжа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, буюк соҳибқирон Амир Темур замонида шаклланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттиради. Шу кўҳна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик каби улуғ хислатлар Конституциямиздан муносиб ўрин олган.

Дарҳақиқат, Конституциямиз — шу муқаддас заминимизда истиқомат қилаётган инсонларнинг дунёқарашини, уларга хос ўзаро муносабатларни, хусусиятларни, меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга нисбатан ҳурмат, илму фанга интилиш, орномус, иффат ва ҳаё каби эзгу фазилатларни ўзига асос қилиб олган. Бизнинг Конституциямиз эски тоталитар-мустабидлик тузумидан, ўзини ҳаётда мутлақо оқламаган, касодга учраган, миси чиққан тизимдан воз кечиб, янги, замонавий ва эркин ҳаётимизни ҳар тарафлама ҳимоя этишимизга хизмат қилади.

Конституциямизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, дейилган. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Бу конституциявий қоида бизнинг олдимизга миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифасини қўяди.

**ШУНДАЙ** қилиб, Юртбошимиз ҳақли равишда таъкидлаганидек, "Конституция — нафақат бугунги куннинг қомуси, балки у эртанги кунимиз, қураётган жамиятимиз истиқболини аниқлаб берувчи ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб тургувчи маёқдир".

**Акмал САИДОВ,**
**юридик фанлар доктори, профессор**

*(Боши 1-бетда)*

Кашфиёт

***Туну кун мўъжиза кутиб яшаймиз, матбуот орқали хорижда яратилаётган сўнгги ихтироларни кузатамиз, бунга ҳам тоқат қилмай, Интернетга кириб, дунёни "остин-устун" қилиб юборамизу оёғимиз остидан "лип" этиб чиққан мўъжизаларни тан олгимиз келмайди. Худди хўрозқандни хорижники деса ётволиб ялагандек... Бироқ аввало, ўзимизда яратилаётган мўъжизани, ким бўлишидан қатъий назар, уни кашф этган ихтирочининг қадрига етмаслик, тан олмаслик юмшоқ қилиб айтганда, инсофдан эмас. Назаримда, кашфиёт ва ихтиролар фақат олимлар, олим бўлганда ҳам зўрлари томонидан яратилиши керак, деган ақида миямизнинг қат-қатига сингиб кетгандек.***

# АСРНИНГ ИЛК МЎЪЖИЗАСИ

Таҳририятимизга қотмадан келган, юз-кўзларидан ҳаётнинг аччиқ-чучугини хўп тотгани шундоқ кўриниб турган, ёши 45-50лардаги киши келиб ўзини "Машраб Жуманиёзов" деб таништирди. Қисқа суҳбатдан сўнг у кишининг Тошкент давлат техника университети самолётсозлик факультетини муҳандис-конструктор сифатида битирганини, бир неча йил Чкалов номидаги Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида механик, муҳандис-технолог бўлиб ишлаганини билиб олдик.

3-4 йилдан буён ихтирочилик билан шуғулланяпман, — дейди у киши. — Бир неча йиллик изланишларим эвазига кўп тармоқли механик электростанция яратдим.

— Йўғ-э! — ҳайратимизни яширолмадик биз. — Ёруғлик электростанцияси маълум, гидроэлектростанция бор, шамол, иссиқлик ва атом электростанцияларини биламиз, демак, сиз яратган электростанция олтинчиси бўларканда-а?

— Ҳа, шундай, — камтарлик билан бош силкиди Машраб ака. — Агар бу ихтиро ҳаётга тадбиқ этилса жуда катта иқтисодий фойда келтиради. Энг муҳими, у ортиқча сарфиёт талаб қилмайди, экологик жиҳатдан зарарсиздир.

— Ихтиро бирор жойда қайд этилдими? — сўрадик муаллифдан.

— Ҳа, — жавоб берди Машраб ака, — Республика патент идораси томонидан 20010175 рақам билан қайд этилиб, бу ҳақда ҳужжат ҳам берилди. Агарда ушбу янгилик тезроқ амалиётга тадбиқ этилиб, халқимизга, юртимизга фойда келтирса, ўзимни дунёдаги энг бахтли инсон деб ҳисоблардим.

Машраб ака буюк кашфиёт билан таништиргач, таҳририятни тарк этди. Биз эса ушбу ихтирога эътибор берадиган, уни амалиётга тадбиқ этишда муаллифга кўмаклашадиган мардлар топилишига чин дилдан ишондик.

**МУХБИРИМИЗ**



